O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT KITOB PALATASI
INV. №

Ислом КАРИМОВ:

АМИР ТЕМУР — ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ, МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИДИР.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 10-aprel • Seshanba • 44 (27.689) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



МИЛЛАТИМИЗ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Истиқлолимиз туфайли улуғ аждодларимизнинг номлари тикланди, улар сиймосига эҳтиром кўрсатиш, бой маданий ва маънавий тарихимизни ўрганиш, дунё узра тарғиб этиш, ҳақ сўзни айтиш имкони туғилди...

Куни кеча пойтахтимиздаги Амир Темур номли хиёбонда Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 671 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди. Тадбирга давлат ва жамоат арбоблари, шоирёзувчилар, дипломатик корпус вакиллари, олимлар, талабалар, шунингдек, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрдилар. Уни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али истиқлолимиз берган беқиёс имкониятлар туфайли улуғ бобомиз ҳақидаги бор ҳақиқат тиклангани, бугун уни дунё жамоатчилиги ҳам эҳтиром билан тан олаётганини таъкидлади.

Тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов, кураш бўйича жаҳон чемпиони Шерзод Мирзанов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий стипендияси соҳиби Севинч Улашевалар Соҳибқирон бобомизнинг давлатчилигимиз тарихидаги роли, муқаддас юртимиз довруғини дунёга танитишдаги бебаҳо хизматлари ҳақида гапирдилар.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон бобомиз улуғлаган адолат ва бағрикенглик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, ҳаётимиз мазмун-моҳияти фаолиятимиз дастурига айланмоқда, мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу куни мазкур тантана Амир Темурийлар тарихи давлат музейидаги қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Самарқанд дурдоналари» номли кўргазмага уланиб кетди.

Айтиш мумкинки, ушбу кўргазмадан ўрин олган XIV-XV асрлар шаҳарсозлик маданиятига оид ёдгорликлар расмлари, Темурийлар даврига тегишли миниатюралар, дунёга машҳур асарлар қўлёзмалари, қуроллар, ҳалқалар, қадимий танганлар, кулолчилик, заргарлик каби амалий санъат дурдоналари бу ерга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, анжуман давомида таниқли шоир, ёзувчи ва олимлар иштирокида «Соҳибқиронни ёд этиб» номли мушоира-мулоқот, «Амир Темур таълимоти» ғолибларини тақдирлаш маросимлари ҳам ўтказилди. Миллатимиз даҳосига эҳтиром сифатида бўлиб ўтган мазкур тадбирлар буюк бобомизга бўлган эътиборнинг яна бир поғона кўтарилганини кўрсатди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Суратларда: тадбирдан лавҳалар. **М.АМИН (ЎзА) олган суратлар**

Миллатимиз фахр-ифтихори Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги тантаналари Соҳибқирон салтанатининг пойтахти ҳисобланган қадим Самарқанд шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда кенг нишонланди.

Эрта тонгдан вилоят жамоатчилиги томонидан шаҳар марказида қад ростлаган Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди, Соҳибқирон қабри — Гўри Амир мақбарасида Қуръон тиловат қилинди.

Анжуманга йиғилганларда Амир Темур давлатчилиги ва у ҳукмронлик қилган даврда илм-фан ва маданиятнинг тараққиётига оид чиқишлар катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, байрам тадбирлари доирасида халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлимида тарихчи олимлар иштирокида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши билан биргаликда ташкил этилди. Унда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялашга ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш борасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари олдига алоҳида вазифалар қўяди. Бу вазифалар энг аввало кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ манзилли бўлишидан, чинакам эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатишдан, бунда ижтимоий адолат, холислик ва ошкораликкa риоя этишдан иборатдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга, унинг турмуш даражаси ва фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бориши тамойилини мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсдаги давлат сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга ошириш кўп жиҳатдан маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларининг ташаббускорлигига, ўз олдиларида турган вазифаларни аниқ билишларига, депутатлар корпусининг ўз куч-ғайратини асосий йўналишда жамлай олиши ва тажрибасига, қўйилган мақсадга қатъият билан эришишига боғлиқдир.

Тошкент вилоятида ўтказилган семинар иштирокчилари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш билан боғлиқ мана шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилиб, эҳтиёжманд оилаларга, ногиронларга, ёлғизлар ва қариялларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ушбу мақсадларга бюджет маблағларинигина эмас, балки хусусий шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб ташкилот ва корхоналарнинг ихтиёрий хайрияларини ҳам жалб этиш чора-тадбирларини амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

Семинар қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссияларига ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқароларга мўлжалланган интернат-уйларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг, саломатликни тиклаш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, ижтимоий муассасалар ходимларининг меҳнат шароитини ва уларга ҳақ тўлашни яхшилашни назорат остига олишни таклиф қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар депутатлар корпусини фаоллаштириш, фуқаролар қабулини ва депутатлар ҳисоботларини бевосита маҳаллаларда ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Бу ишларнинг амалга оширилиши депутатларни сайловчилар билан янада яқинлаштиради, оилалардаги ижтимоий муаммоларни аниқ билишга, уларни доимий комиссияларда ўз вақтида муҳокама қилиб, қарорлар қабул қилишга ва зарур ҳолларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларига олиб чиқишга имкон беради.

Семинар иши якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Семинарда халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, доимий комиссиялари раислари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари, айрим маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат бўлимларининг мудирлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари вилоят бошқармаларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

2007 йил 9 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Абдулла Абдуназаровнинг маърузаси тингланди.

Тақдим этилган қонун лойиҳасида электроэнергия ва энергиянинг барча турларини сертификатлаш тўғрисидаги нормани «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасидан чиқариш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасида амалдаги қонуннинг «Стандартлаштириш объектлари» деб номланган 5-моддаси, 1-қисмини «технологик жараёнлар ва ишларни бажариш» тушунчалари билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Чунки электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, шу жумладан, технологик жараёнлар ва ишларни бажаришни ҳам ўз ичига олади, булар эса стандартлаштириш объектлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, лойиҳада «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасидан энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда мажбурий метрологик назоратга оид нормаларни чиқариш таклиф этилмоқда.

Ушбу масалалар депутатлар ўртасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди ва фракция қонун лойиҳасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозим деган хулосага келди.

Фракция аъзолари **«Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Насимқул Каримов сўзга чиқди.

Мазкур медални жорий этиш ғояси юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига юксак садоқатини намоён этган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мамлакатнинг мудофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотлашдан иборат.

Йиғилишда, шунингдек, фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

❖ **ЎзХДП вилоят кенгашларида**

ПАРТИЯВИЙ ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТИ — МУҲИМ МАСАЛА

Яқинда ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фаол хотин-қизлар, маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар, ЎзХДП туман, шаҳар кенгашлари раислари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этишди.

Йиғилишда Қизириқ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, ХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Г.Аннаматованинг «Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вилоят бўлимларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги вазифалари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

— Хотин-қизларни, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ифода этиш партиямизнинг асосий дастурий мақсадларидан биридир, — деди маърузачи. — ХДП вилоят кенгаши қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, ХДП фаоллари ҳамда партиямизга хайрихоҳлар томонидан аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга ҳаракат қилиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавий, сиёсий, тиббий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш юзасидан бир қатор ишлар бажарилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги ХДП аъзоларининг 9135 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатларнинг 2 нафари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг 43 нафари хотин-қиз бўлиб, улар «Фаол аёллар» қаноти белгилаган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Йиғилишда ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими томонидан ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди, ибратли ишларни қўллаб-қувватлаш, фаолликни янада ошириш зарурлиги айтилди. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари билан ҳамкорликда аниқ режалар асосида корхона, ташкилот ва ўқув юртларида бўлиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, диний экстремизм таъсиридан асраш мақсадида турли мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишмоқда.

Мавлуда МАДАЕВА, Шеробод туманидаги «Баҳор» мактабгача таълим муассасаси мудираси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига ҳар куни кўплаб фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар мурожаат қилишиб, ўзларини қийнаётган масалаларни очиқ-ойдин баён этишаяпти. Депутатлар ва партия фаоллари аралашуви билан аризаларнинг асосий қисми ҳал этилаётир. Аммо айрим партия ташкилотлари қошида очилган қабулхоналарда депутатлар ва фаоллларнинг доимий навбатчилиги ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. «Фаол аёллар» қаноти атрофига бирлашган ташаббускор партиядошларимиз ҳам дастурий мақсадларимизни тарғиб қилишда фаол бўлишлари керак.

Ҳалима АЛИМОВА, ЎзХДП фаоли, Денов туман Ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи:

— Партиямиз сафи ёшлар ҳисобига ўсиб бораяпти. Иқтидорли ёшларни имкон қадар қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларининг аълочи ўқувчилари учун «ЎзХДП стипендияси» ташкил этганмиз. Бундай тажрибани бошқа партия ташкилотлари ҳам оммалаштирса яхши бўлади, деб ўйлайман...

Йиғилишда «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар, шунингдек, келгусидаги вазифалар хусусида фикрлашиб олинди.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эрматов тадбир иштирокчиларини янада фаол бўлишга даъват этиб, партиявий ғояларимизни кенгроқ тарғиб-ташвиқ этиш зарурлиги хусусида сўз юритди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 10 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1021,36	1 Польша злотийси	436,09
1 Англия фунт стерлинги	2460,17	1 СДР	1893,94
1 Дания кронаси	224,56	1 Туркия лираси	916,00
1 БАА дирхами	341,10	1 Швейцария франки	1024,24
1 АҚШ доллари	1252,44	1 ЕВРО	1673,13
1 Миср фунти	220,11	10 Жанубий Корея вони	13,43
1 Исландия кронаси	18,70	10 Япония иенаси	104,96
1 Канада доллари	1086,72	1 Россия рубли	48,31
1 Хитой юани	162,07	1 Украина гривнаси	248,01
1 Малайзия рингити	363,55		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ ЎзХДП ҳаёти

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ФАОЛЛИК БОР ЖОЙДА...

Зарафшон шаҳри республикамизда ўзига хос салоҳият ва нуфузга эга. Чунки, бу ерда асосан кончи, саноатчи, қурувчилар яшаб, меҳнат қилишади. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида Ўзбекистон ХДП аъзолари ва фаолларининг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда Зарафшон шаҳрида Ўзбекистон ХДПнинг 30 та бошланғич, 6 та ҳудудий ташкилоти мавжуд. Шаҳар партия кенгашига асосий таянч саналган бу қуйи ташкилотлар ўз иш режаларини партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари асосида изчиллик билан амалга ошириб келаяпти. Шу боис ҳам партиядошларни ҳар ишда етакчи, ҳамфикр, ҳамқадам, деб айта оламиз. Ўтган йили фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида ҳам, ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишда ҳам, партия билетларини алмаштиришда ҳам худди шу ҳамжиҳатлик, ташкилотчилик яққол сезилиб турди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, ХДПдан сайланган халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатлари Н.Дяков, А.Кустов, И.Кондратенко, А.Умаровлар ҳам шаҳар кўрки, унинг равнақи йўлида қилинаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ёхуд шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган 15 нафар партиядошимиз ҳам бугун электорат манфаатини ҳимоялаш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

— Шу ўринда бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларининг шаҳар ҳаётида тутган муносиб ўрнини ҳам қайд этмоқ жоиз, — дейди ЎзХДП Зарафшон шаҳар Кенгаши раиси Б.Қосимов. — Чунки ҳар қандай сиёсий партия қуйи ташкилотларининг олиб бораётган ишлари билан нуфузлидир. Мурунтов конидаги бошланғич партия ташкилоти (раиси О.Юлдошев) «Ижтимоий ҳимоя йили»да аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш масалаларини қатъий иш режа асосида олиб бораяпти. 2-Тоғ металлургия заводи партия ташкилоти (раиси В.Ивкин) болаликдан туғма ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб олган.

Дарвоқе, шаҳар кенгаши раиси ҳақ гапни айтди. ЎзХДП истиқболи, унинг равнақи кўп жиҳатдан кўтарилаётган масаланинг долзарблигида, халқ хоҳиш-иродаси, турмуш тарзи билан узвийлигидадир. Бу амалий яқинлик эса депутатлар гуруҳи ва бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги, ташаббускорлиги билан баҳоланади. Зарафшонда партиядошларимиз фаолиятига кўпчилик муносиб баҳо бермоқда. Умид қиламизки, келгусида ҳам шундай бўлади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хонқа туманидаги 40-ўрта умумтаълим мактабида «Амир Темур ўгитлари — фарзандларга сабоқ» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Буюк саркарда ва давлат арбоби таваллудининг 671 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда **ЎзХДП Хонқа туман кенгаши** раиси А.Ваисов ва «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси М.Раҳимовлар иштирок этиб, ўзбек давлатчилиги тарихи, мустақиллик аҳамияти ҳақида сўзлаб бердилар.

«Хонқа дон маҳсулотлари» ОАЖда «Ҳеч ким эътибордан четда эмас» мавзуида тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ХДП аъзоси, Хонқа шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси, Хонқа туман Кенгаши депутати Ў.Собиров сўзга чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш бугунги кунда ҳар бир киши учун долзарб вазифа эканлиги, бу борада маҳаллада ижобий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлади.

ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва ХДП дастурий мақсадларини амалга оширишда ёшларнинг ўрни ва вазифалари» мавзуида партиянинг фаол ёшлари вакиллари билан учрашув ташкил этди. Унда иштирок этган ЎзХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ЎзХДП сафларини билимли, сергайрат ёшлар билан кенгайтириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталдилар, қатор таклифлар айтдилар.

«Инсон фаровонлиги — Ўзбекистон ХДПнинг бош мақсади». Қорасув шаҳридаги 4-умумтаълим мактабида туман партия кенгаши томонидан ўтказилган «давра суҳбати» ана шу мавзуда бўлди.

Кўрғонтепа туман партия кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида ижтимоий-сиёсий жараёнларда партияларнинг ролини кучайтириш борасидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Маърузачилар йиғилганларга мавзу юзасидан атрофлича тушунтириш бердилар. ЎзХДП сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ДАРЁ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

Жиззах шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи Сангзор дарёсининг иккала қирғоғини бир-бирига боғловчи янги, мустаҳкам кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Узунлиги 93, эни 12 метр бўлган мазкур замонавий иншоотни «Жиззахавтойўл» шўъба корхонаси билан Қўқон йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бунёдкорлари барпо этишди.

Қисқа муддат ичида мазкур объектда 490 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бир сўз билан айтганда, янги кўприк ишга туширилиши билан мазкур ҳудудда автомашиналар қатновини тартибга солиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича муҳим қадам қўйилди. Бугун янги кўприк йўловчиларнинг узоғини яқин, мушкулини осон этишга хизмат қилаётир.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

✧✧✧

Суратларда: *ишчилар Ғофуржон Одилов, Муқимжон Эрматов, Аюб Аъзамов, Раҳмонжон Меликўзиевлар; кўприк кўриниши.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

❖ Миллий истиқлол ғояси — миллат ва жамият таянчи

МАФКУРАВИЙ ТАЗЙИҚ

У КИМГА, НИМАГА, ҚАЕРГА ҚАРАТИЛАДИ?

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан...»

Ислом КАРИМОВ.

Ғоя эътиқодга айланди. Инсоннинг қон-қонига, вужудига, руҳиятига сингди. Инсонни бутун, тебранмасдан яшаши учун ботиний куч-қудрат етилди. Энди у енгилмайди. Чунки, эътиқодли одамни енгиб, ўз йўлидан қайтариб бўлмайди.

Жамият тушунчасини ҳам Инсонга қиёс қилиш мумкин: Жамиятнинг «гупиллаб уриб турган юрагига» муқояса мафкура, жамиятнинг эътиқодига айланган мафкура уни жаҳонда, рўйи-заминда, бутун борликда тутиб турган мустаҳкам пойдевордир.

Собит мафкурасига эга жамият ҳам турли хил мафкуравий тазйиқ (бизнинг асримизда мафкура хуружи энг даҳшатли қуроллар ҳамласидан ҳам кучлироқ ва хавфлироқ бўлиб бормоқда) ва ғоявий таъсирлар касрига тушиб қолмайди. Ҳар қандай тўфон, бўрону довулларга дош беради. Чунки, жамиятнинг мафкураси унинг ўз олдига қўйган мақсад-муддаосини белгилайди. Мақсад-муддаоси бўлмаган жамият эса инқирозга юз тутади. Демак, мафкура — жамиятнинг эътиқоди.

Сир эмас. Бугун дунёвий тазйиқнинг ўзига хос йўллари пайдо бўлди. Дўқ-пўписа, қурол-яроғни кўрсатиб, мен зўрми сен зўр, қабилида бир давлатнинг бошқа мамлакатни қўрқитиб қўйиш усули ҳам эскиргандай. Ғоялар қураши, мафкуравий хуруж авжга чиқаяпти. Бу борада матбуотимизда қатор мақолалар берилмоқда, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар бўлаяпти. Айрим гегемонлик даъвосидаги давлатлар дунёга эгалик қилиш мақсадида «Жаҳоннинг мафкура харитаси»ни ишлаб чиқмоқдалар. Яъни, содда қилиб айтсак, улар бошқа халқлар руҳиятига: «Биздан ўрган, бизнинг урф-одат(?)ларимизни қабул қил, дунёда умумий бир ғоя — бизнинг ғоя, мафкура ҳукмронлик қилиши керак, бизнинг ортимиздан эргаш, биздай ўйла ва фикрла, сенинг мақсадинг бўлиши мумкин эмас — бизнинг мақсадимиз сенинг мақсадинг...», деган муддаони устамонлик билан сингдиришга уринишмоқда.

Ўз менталитетидан мосуво миллатни, ўз илдизи — тарихидан жудо авлодни эса исталган кўйга солиш мумкин.

Хўш, мафкуравий тазйиқ нима?

У турли хил бузғунчи ғоялар билан ўқланади. Одамларнинг онгини заҳарлайди. Турмуш тарзини издан чиқаради — ёт ғоялар жимжимасига тушиб қолган кишиларни, айниқса, ёшларни ўз домига тортиб олади. Ўзлигидан айрилган одамнинг нимаси қолади? Ҳеч нарсаси қолмайди. Ҳамма нарсасини қўшқўллаб топширади. XXI аср ўзининг даҳшатли қуролини мана шу тарзда синовдан ўтказмоқда. Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан кўра хавфли томони ҳам шунда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **«... агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин».**

Мафкура қуроли кимга, қаерга қаратилади? Йўқ, ҳарбий базалар, стратегик объектлар, аэродромларга қаратилмайди. Бомба ва ядро қуролидан фарқи бор. Шу фарқни англаб етсак, унинг нечоғлик даҳшатли эканлигини ҳис қиламиз.

Мафкура қуроли болалар боғчаларига, мактабларга, ўқув-тарбия муассасаларига, келажак авлодга қаратилади. Ёш авлод руҳиятини заҳарлашга қаратилади. Миллатнинг тасаввурини ўзгартиради, унинг рост ва ёлғон ҳақидаги тушунчаларини чилпарчин қилади. Хуллас: **«Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкуралар-нинг асосий мақсадига айланмоқда...»**

Жамиятни улкан бир уйга қиёслайлик. Унинг қўёшга, нурга қараган деразалари, эшиклари мавжуд. Унда шу жамият — хонадонда қарашлари бир-бирига уйғун одамлар яшайди. Улар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Фикрдош. Интилишлари ҳам чамбарчас. Ниятлари эш. Улар шу уйни севадилар. Бундай жипс, ҳам фикр кишилар яшаётган уйдаги сокин ҳаётга қаноти очилган деразалардан кираётган шамол, бўрон, довул путур етказади. Хонадонни остин-устин қилиб ташлаши мумкин. Мафкура хуружи ҳам худди шундай.

Ҳозирги кунда эса ҳеч бир жамиятни четдан четки муносабатлар, алоқалардан айро қилиб, ўртага девор қўйиб, ўраб бўлмайди. Дунё глобаллашяпти-да. Глобаллашув ҳар бир жамиятга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳеч қайси уйнинг дераза-эшикларини зичлаб ёпиб, атроф-теваракдан, ташқаридаги ҳаводан тўсиб бўлмайди — уйни шамоллатиб, қуёш нурларидан баҳраманд этиш ҳам керак-ку. Шу тарзда ёт ғоялар, вайронкор мафкура ҳам хонадонимиз — жамиятимиз дарча ва эшикларидан бугунги кунда кириб келиши мумкин.

Булар қандай ҳолатда рўй бераяпти? Оддий ҳодиса. Марҳамат, телевизорни қўйинг. Хорижнинг жангари кинолари, сериалларини кўринг. Менталитетимиз, миллий қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга сингдирилган турли-хил диск ва тасмалар орқали оқиб келаётган «санъат» кўринишларини томоша қилинг...

Мана, хорижда тайёрланган сериаллардаги бир кўриниш: Жозибали ҳаёт. Гўёки ҳамма нарса муҳайё. Аёл-эркак очиқ-сочиқ. Булғуси куёв қизнинг ота-онаси кўз ўнгида бемалол хонадоннинг эркаси бўлиб юрибди. Ҳали тўйга оқ-фотиҳа берилмаса-да йигит сурбетлик билан бўлажак (?) қайнота-қайнонанинг олдида хоҳлаган ишини қиляпти. Ҳамма нарса рисоладагидай. Севги ҳам, муҳаббатнинг ҳам юзидан парда сидирилган. Ахир бизга бу ҳолат мутлақо ёт-ку... Қайси бир ўзбекнинг хонадонида шундай бўлган — «тўйдан олдин ноғора қоқилган?». Ёки эркак аёл — жазманлар тўшакда. Эрта тонг. Хизматкор ётоқ эшигини қоқиб ҳалигиларга қаҳвами, шарбатми олиб келади. Улар тўшакдан турмай, юз-қўлини ювмай ҳалиги қаҳваними, шарбатними ичишади. Шунда беихтиёр хаёлингизга бир савол келади: Ахир улар, юз-қўлини ювишмади-ку?! Бундай ҳаёт тарзини фильм ёки сериал шаклида тирғибот қилиш замирида нима ётганлигини биз ёши катталар англамаганимиздан кейин беғубор болалар қаердан билсин?

Ҳеч бир миллат маънавиятини камситиш ниятимиз йўқ. Ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари бор. Бироқ уларга кўр-кўрона эргашиб кетавериш ҳам ярамайди, деб ўйлаймиз.

Озар адибаси Амина Шанликўғли хоним «миллат менталитетини телевизор бузаяпти. Бу нарса таҳдид ойнасига айланди», деб бонг уради. Лекин, бугунги кунда телевизордан ҳам воз кечиб бўлмайди. Интернетдаги турли хил хуружлар, турли-туман ахлоқсиз, фаҳш урчиган сайтлар оммалашиб кетганидан ҳам кўз юмолмаймиз.

Демак, биз нима бўпти, шунга шунча ваҳимами, деган ўй билан қўл силтаб қўяётган воситалар ҳам мафкура замбараги ўқига айланиб бораяпти. Бу хатти-ҳаракатлар замирида эса вестернизация оқимининг шиддатини кўриш мумкин. Ғарбийлаштиришнинг санъат ва маданият билан ниқобланган хуружига ўзимиз сезмаган ҳолда уйимизнинг дераза-эшикларини очиб, хонадонимиз тўридан жой бераяпмиз.

Маданият ва санъатни тарғиб қилиш яхши. Ҳар бир халқ ўз санъатидан дунё афкор оммаси хабардор бўлишини истайди. Бироқ, бу тарғиботнинг мазмун-моҳиятида маданий устунлик, глобал куч-қудратни намойиш этиш истаги ётмаслиги керак. Мафкуравий хуружнинг муҳим тактикаси, стратегик йўналишига айланган бундай «оммавий маданий» тарғибот замирида эса: «биз сенинг маънавиятингни ишғол қиламиз, сенинг маънавиятинг ҳеч кимга — на ўзингга, на бошқаларга керак эмас...» деган худбинлик ётади.

Марказий Осиё халқларининг ардоқли шоири Мухтор Шохонов дунёнинг бугунги мафкура қуроли ва жаҳон тамаддунини атрофлича ифодалаб, «Адашган тараққиёт» деган достон ёзди. Европанинг таниқли зиёлилари, инсонпарвар сиёсатдонлар, теран фикр кишилар достонни асримизнинг энг долзарб мавзусини талқин этган асар деб баҳолашди. Асарни дунё қандай, қай тариқа ривожланмасин, барибир ҳар бир миллатнинг ўзига хос удумлари, тили, тарихи, маданиятини инкор қилган мафкура ёки цивилизация инқирозга учрайди... деган ғоя ўқ илдиз бўлиб тутиб туради. Жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган асарда шундай бир ривоят ҳам бор: Қадим замонларда хон ўз қизини турмушга бермоқчи бўлади. Барча мамлакатлардан тўпланган ботирларга жасурлик, чавандозлик, мерганлик, кураш ва ҳоказолар бобида шарт қўяди. Юзлаб ўғлонлар ичида бир паҳлавон ғолиб чиқади, барча шартни бажаради. Шунда хон ҳалиги ўғлонга: «Сен ўз элингнинг энг қадимги қўшиғини биласанми?», — дейди. Паҳлавон кулади: «Мен дунёдаги энг ботир ўғлонман! Ҳамма шартингизни бажардим. Энди бир камим қадимги қўшиқни ёдда сақлаб юришим қолганмиди?», — дейди менсимаган оҳангда... Хон яна сўрайди: «Ўз элингнинг қўшиғини ёдда сақламаганмисан?». «Йўқ!» Шунда хон: «Сенинг куч-қудратингга ишонмайман. Сен кучли одам эмассан. Ўз элининг маданияти, қўшиғидан мосуво одам илдизи йўқ дарахтга ўхшайди... Сенга қизимни беролмайман», — дейди.

Хуллас, миллатни унинг миллийлиги, ўзига хослиги сақлаб қолади. Бугунги ғоявий хуружда ўзга мафкура қуроли эса ана шу миллийлик илдизига болта уришга чоғланмоқда. Бу қуролга қарши курашиш учун эса ҳар қайсимиз ўз фарзандимиз, жажжи ўғил-қизларимиз руҳиятига миллий истиқлол ғоясини сингдиришимиз, жамият мафкураси билан уларни ҳимоя қилишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Авлод тарбияси, миллатни асраш учун энг муҳим ва асосий ҳимоя шу! Бизни ҳар қандай хуружлардан миллатимиз менталитетининг негизи асосида шаклланган миллий истиқлол ғояси, жамиятимиз мафкураси асраб қолади.

Чунки, Президентимиз айтгани каби: **«Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар... Жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим».**

Қўчқор НОРҚОБИЛ

❖ Қарор ва ижро

ТАЪМИНОТ ТЎЛОВ

ЁКИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРГА ПАНЖА ОРАСИДАН ҚАРАЁТГАН

Электр чироқларининг узлуксиз ёниб туриши ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилиши, аввало фуқароларнинг электр ва газ ҳақини ўз вақтида тўлаб бориши ҳамда соҳа ходимларининг вазифаларини сидқидилдан, ҳалол бажаришига боғлиқ. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг Коммунал соҳалар билан боғлиқ Қарорлари жойларда қандай бажарилмоқда?

Сурхондарё вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Шодмон САФАРОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 11 февраль куни қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги ва «Электр энергияси истеъмолини барқарорлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг коммунал тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини тақозо этади.

Текширишларда электр тармоғи корхоналарининг айрим раҳбар ва масъул шахслари томонидан юқоридаги ҳужжатлар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқланмоқда.

Ҳолмўмин Пиримқулов 2006 йил 10 февралдан бошлаб Ангор туман электр тармоқлари корхонасида бошлиқ, Парда Ўтаганов 2005 йил июль ойидан бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келишган. Бу мансабдор шахслар туманда жойлашган корхона, ташкилот ва хўжаликлар электр энергиясидан фойдаланганлиги учун қарзларини тўлашмаган бўлса-да, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511, 512-сонли қарорлари талабларига зид равишда электр энергияси билан таъминланишига йўл қўйиб беришган. Оқибатда улгуржи истеъмолчилардан қарздорлик 430 млн. сўм, аҳолидан ундирилмаган қарздорлик 509 млн. сўмга етиб, жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилган.

Ушбу ҳолат бўйича айбдорлар хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилди, албатта. Лекин кишини ўйлантирадиган жиҳати — шу каби мутасадди ташкилот масъул ходимларининг масъулиятсизлиги ва ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиши натижасида электр энергиясидан қарздорликнинг ўсиб кетишига йўл қўйилади, бу эса аҳолининг узлуксиз электр энергияси билан таъминланишида муаммо туғдиради. Ахир электр энергиясини ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиш катта маблағ талаб қилишини кўпчилигимиз биламиз-ку.

Энг ачинарлиси, таъминотчи корхоналарда нопок одамларнинг борлигидир. Битта мисол, Акбар Давлатов Сариосиё туман электр тармоқлари корхонаси назоратчиси бўлиб ишлаган. У 2006 йил декабрь ойида фуқаролар Наргиой Остонаева ва Иқлим Очилдиевалардан 70 минг сўмдан 140 минг сўмни хазинага тўлаб келаман, деб олиб кетиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келиш ҳолатлари ҳам кўплаб учрайди.

Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: 2006 йил декабрь ойида Денов туманида ўтказилган текшириш давомида фуқаро Фарҳод Шукуров, Венера Аҳмедова, Раҳмон Бобомуродов, Қудрат Саидов, Дилмурод Султонов, Ҳабиба Юлдошевалар ўзларига тегишли хусусий дўконларни ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзбошимчалик билан электр тармоғига улаб, ноқонуний тарзда электр энергиясидан фойдаланиб келишган. Лекин бир сўм ҳам пул тўламаган. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жиноят тўғрисидаги кодекс (МЖтК)нинг 101-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, электр билан узлуксиз таъминланмасликнинг асосий сабаби — қарздорлик. Ваҳоланки, дебитор қарздорликни камайтириш ҳамда ундириш чоралари етарлича амалга оширилса, чироқ ҳеч қачон ўчмайди, хонадонда доимо газ бўлади.

Текширишлар натижасида вилоят прокуратураси томонидан «Сурхондарё электр тармоқлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Б.Абдулазизовга нисбатан қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирув эълон қилинди ҳамда 15 та шаҳар ва туман электр тармоқлари корхонаси бошлиқлари ва бош ҳисобчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 175-моддаси, 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, маъмурий жаримага тортилди.

Ўтган йил Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 46 та тақдимнома киритилди. 218 нафар шахсга нисбатан интизомий, 411 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

❖ Эл соғлиғи — юрт бойлиги

МУНАВВАР ОЛАМНИ КЎРИШ БАХТИ

ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Мунаввар оламни кўришга муяссарликнинг ўзи ҳам асли катта бахт.

Тасаввур этинг-а, бир лаҳза кўз юмиб, нурни кўришдан маҳрум бўлишни... Афсуски, ҳаётда баъзи одамлар шундай неъматдан бебаҳра яшашга тўғри келади. Кўз касалликлари шифокорлари эса дили шикаста бундай инсонларга кўриш имконини берадилар.

Яқинда мамлакатимиз офтальмологлари ҳаётида муҳим воқеа юз берди: Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси маркази алоҳида бинода ташкил топди.

Бинобарин, Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, мамлакатимиз аҳолиси орасида кўз касалликларининг олдини олиш, кўз микрохирургияси йўналишидаги тиббий хизмат сифати ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Тошкент вилояти кўз касалликлари клиникаси базасида Республика ихтисослашган кўз касалликлари микрохирургияси маркази ташкил топган эди. Ўтган вақт мобайнида марказ ўзининг илмий ва амалий салоҳиятга эга бўлган мутахассислардан иборат тиббий жамоасини шакллантиришга эътиборни қаратди. Беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун аввало замонавий моддий-техника базаси, етарли даволаш ўринларига эга бўлиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам Учтепа туманидаги Фозилтепа маҳалласидан Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси марказига бино ажратилди. Бинони қайта реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларига 900 миллион сўм (шундан 720 миллион сўми давлат бюджетидан, 180 миллион сўми ҳомийлар маблағи) сарфланди.

Ихтисослашган марказда бугун умумий ҳисобда 128 нафар тиббиёт ходими (30 нафари врач — шундан 20 нафари олий тоифали, 1 нафари тиббиёт фанлари доктори, 3 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 98 нафари ўрта ва кичик бўғин тиббиёт ходими) беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Марказ аҳолига кўз микрохирургиясининг барча йўналишлари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга республикамизда кўз микрохирургияси фанининг илмий ривожига ҳам ҳисса қўшади, мутахассис кадрларнинг тажриба, малакасини оширувчи масканлардан бирига айланади.

Унинг жарроҳлик блокидаги 4 та жарроҳлик зали бир кунда 50 та операцияни амалга оширишга мўлжалланган. 45 та стационар ўрин, шунингдек, поликлиника ташкил топган.

Юртимизда истиқлол йилларида тиббиёт, жумладан, кўз касалликлари, кўз микрохирургиясининг модий-техника базасини мустаҳкамлаш, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини кўпайтириш, консерватив даволашнинг сифатини, микрохирургия муолажаларининг самарасини оширишга катта аҳамият қаратиб келиняпти. Инчунун, марказнинг Хоразм ва Тошкент вилоятларида филиаллари ташкил этилди.

— Жаҳонга машҳур устозим С.Фёдоров 1981 йили юртимизга келганда: «Тиббиётнинг туб илдизлари шу заминда отган, куни келиб, шу тупроқда яна тиб илми гуллаб-яшнайди...» деган эди, — дейди марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Зафар Сиддиқов. — Бугунги мустақиллик замонида ўша кунлар келди! Тан олиш керак, кўз микрохирургияси жаҳон тиббиётида энг мураккаб соҳа. Шунинг учун ҳам операциялар қиймати анча баланд. Айтайлик, Америкада кўз касалликлари операциялари мураккаблигига қараб, 5 мингдан 15 минг долларгача туради. Бизда кўз шоҳпардасини кўчириб ўтқазишдек энг мураккаб операция 1 миллион 200 минг сўмлик маблағ талаб қилади. Ўтган уч йилда 5 та шундай операцияни амалга оширдик. Бундан ташқари, минг нафар бемор ёруғ оламни кўришдек бахтга муяссар бўлди.

Бундай мураккаб операция дунёнинг саноқли тиббий муассасаларидагина бажарилади. Марказда бу йил яна 60 та шундай операция амалга оширилиши режалаштирилган.

Тиббий марказ жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини тиббий муҳофазалаш чора-тадбирларини кўряпти. Ёрдамга муҳтож 15 нафар беморга кўз шоҳпардасини кўчириб ўтқазиш операцияси давлат бюджети ҳисобидан, 20 нафарига имтиёзли (30 фоиз тўланади) тарзда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Осмонни, заминни, яшилликни, яқинларингни кўриб яшаш — энг улуғ неъмат.

Мунавварликка муяссар бўлиш ҳаммага насиб этсин.

Саида САЙХУН

Суратларда: *Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси маркази техник воситаларидан намуналар ва марказ биноси.*

Суратлар муаллифи Козимжон ЎЛМАСОВ

❖ Солиқ ва иқтисодиёт

ТИЗИМ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

ДЕМАК, СУБЪЕКТЛАР ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкининг камайиши имконини бераётир. 2004-2006 йилларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (2006-2007 йиллар таҳлилига кўра) хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига қатор енгилликлар яратди. Жумладан, умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар учун даромад солиғи ставкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги қарорига асосан 2006 йилда 15 фоиздан 12 фоизга камайтирилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 18 декабрдаги қарорига кўра, 2007 йил учун солиқ ставкаси 10 фоиз қилиб белгиланди.

Хўш, ҳар йили солиқ ставкасининг камайиши давлат бюджети учун қандай ижобий натижалар бермоқда?

Навоий вилоятида 2005 йилда мазкур солиқ тури бўйича 24933,7 млн. сўм тушум бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра, ставка камайиши ҳисобига 4986,7 млн. сўм йўқотиш бўлиши кутилган эди. Бироқ, икки омилнинг ҳисобига, яъни биринчидан — 2006 йил 1 январдан бошлаб экология солиғининг бекор қилиниши билан 2005 йил давомида ушбу солиқ тури бўйича тўланган 15392,5 млн. сўмлик маблағ корхона ва ташкилотлар ихтиёрида қолган бўлса, иккинчидан — даромад (фойда) солиғи базасининг айни шу суммага кўпайишига, ўз навбатида қўшимча равишда 1847,1 млн. сўм даромад (фойда) солиғи ундирилишига олиб келди. Шунингдек, 2006 йилда солиқ ставкасининг 2005 йилга нисбатан 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши эвазига корхона ва ташкилотлар ихтиёрида қолган 4986,7 млн. сўмлик маблағнинг унумли ишлатилиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва сотув ҳажмининг кенгайиши ҳамда айланма маблағлар ҳаракатининг тезлашуви натижасида 2006 йилда 2005 йилга нисбатан жами 8416,0 млн. сўм ортиқча тушум тушиб, ўсиш суръати 133,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори билан Республика солиқ қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, 2007 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан ундириладиган солиқлар бўйича: фойда солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди, тижорат банклари учун солиқ ставкаси 17 фоиз миқдорида ва суғурта ташкилотлари учун 10 фоиз миқдорида белгиланди. Мазкур қарорга асосан жорий йилда даромад (фойда) солиғи ставкасининг 12 фоиздан 10 фоизга камайтирилиши эвазига корхона ва ташкилотлар ихтиёрида 5493,6 млн. сўмлик маблағ қолса-да, ушбу солиқ тури бўйича дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 6593,3 млн. сўм кўп тушум бўлиши кутилмоқда.

Қарорга кўра, даромад солиғини ҳисоблашда ходимларга иш ҳақи тўлашда қилинган харажатлар ва бошқа харажатлар бўйича ҳам бир қанча ўзгаришлар киритилди. Жумладан: солиққа тортиш тизимини бирхиллаштириш, соддалаштириш банк ва суғурта хизматини ривожлантириш мақсадида банклар ва суғурта ташкилотлари учун 2007 йил 1 январдан бошлаб даромаддан солиқ тўлаш ўрнига фойдадан солиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Бунда фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан 2006 йилда иш ҳақи бўйича чегирилмайдиган харажатлар чиқариб ташланиши белгилаб қўйилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керак, банк ва суғурта ташкилотлари шу пайтгача иш ҳақи бўйича харажатларни солиқ ундириладиган базага қайта қўшиш йўли билангина ундан солиқ тўлаб келган эди.

Шунингдек, аукционлар ўтказиш ва гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирлари ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар учун ҳам фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан 2006 йилда иш ҳақи бўйича чегирилмайдиган харажатлар чиқариб ташланиши белгиланди. Айни кезда харажатлар фойда солиғини ҳисоблашда ҳам ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар доирасида солиқ солиш базасига киритиладиган харажатлар рўйхатидан чиқарилди: яъни реклама харажатлари, телекоммуникация хизматлари учун тўлов, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар, солиқ тўловчининг балансида турган — соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача болалар тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек, уй-жой фонди объектларининг таъминоти бўйича харажатлар ва ҳоказо.

Қисқасини айтганда, мана шуларнинг ўзиёқ, мамлакат иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкининг камайишига имкон бериб, солиқлар давлат даромадларининг асосий шакли бўлиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Ғиёс БЎРОНОВ,
Навоий вилоят ДСБ мутахассиси

МОЛИЯЛАШНИ ТЎХТАТМАЙДИ

АҚШ Сенати Ироқдаги Америка ҳарбий контингентини молиялашни тўхтатмайди, дея баёнот берди Сенатнинг қуролли кучлар ишлари бўйича қўмитаси раиси Карл Левин. У яна шуни қўшимча қилдики, АҚШ президенти Жорж Буш Ироқда қон тўкилишини тўхатиш учун мамлакат ҳукуматини музокаралар йўлидан боришга чақиради ва керак бўлса, ҳукуматга босим ҳам ўтказади, деди.

Маълумки, шу йил март ойи охирида Америка Конгрессининг иккала палатаси ҳам мамлакатнинг Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий контингентини молиялаш учун умумий ҳисобда 121,6 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилган. Ушбу лойиҳада 2008 йили Америка қўшинини Ироқдан олиб чиқиб кетиш харажатларини ҳам назарда тутиши алоҳида қайд этилган.

Икки палатада ўзгартиш ва тузатишлар киритилиб, овозга қўйиб тасдиқланган мазкур лойиҳа ҳозир келишув комиссияси ихтиёрига жўнатилган. У лойиҳани ягона матн тартибига келтиргач, яна Сенат ва Вакиллар палатаси тасдиғига ҳавола этади. Бу жараён шу ой ўрталарида амалга оширилади, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарида.

Бироқ Жорж Буш Ироқдан қўшинни олиб чиқиб кетишни талаб этувчи ҳар қандай қонун лойиҳасига вето эълон қилиши ҳақида бир неча бор баёнот берди. Шунинг учун бўлса керак, АҚШ иттифоқчиси бўлмиш Буюк Британия ўз қўшинини Ироқда ушлаб туриш муддатини узайтиришни мўлжаллаётгани ҳақида яқинда гап-сўзлар тарқалди: Британия қўшини 2012 йилгача Ироқда қолиши мумкин экан. Бу ҳақда Британия оммавий ахборот воситаларида хабарлар чоп этилди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ ЯНА КУЧАЯДИ

Пасха байрами якунланиши билан парламент-ҳукумат коалицияси тарафдорлари Киев шаҳрининг марказий майдони — «Майдан»да президентнинг Олий Радани тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорига қарши норозилик намойишлари янада кучайтирилишини уқтирдилар. Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди. «Регионлар партияси»нинг парламент фракцияси вакили Вадим Колесниченконинг айтишича, пасха байрами кунлари сиёсий намойишлар осойишта руҳда ўтди, лекин майдонларда тикланган палаткаларда одамлар 10 мингдан камаймади. Эндиликда эса уларнинг сони 50-60 мингга чиқади ва норозилик янада кучаяди.

Колесниченконинг гапларига қараганда, мамлакат президенти Виктор Ющенко томонидан шу йил 27 майда ўтказилиши белгиланган навбатдан ташқари парламент сайловларида коалиция тарафдорлари қатнашмайдилар. «Биз Конституциявий суд қарорини кутамиз» деди у.

Маълумки, Украина ҳукумати етакчиси ва Олий Рада президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш ҳақидаги қарори нечоғли конституциявийлигини аниқлаш учун Конституциявий судга арз қилишган. Конституциявий суд эса бу масала бўйича қарорини ўтган ҳафта эълон қилмади. «REGNUM» хабарига кўра, бу борадаги қарор шу ҳафта маълум қилинади.

Мамлакат президенти В. Ющенко эса Олий Радани тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш ҳақидаги қарорини бекор қилмаслигини пасха байрами куни яна бир бор таъкидлади. Лекин президент котибияти раҳбари Виктор Балоганинг таъкидлашича, — дейилади «Коммерсант» газетаси ахборотида, — сайловлар албатта ўтказилади, фақат бу тадбир 27 майдан кечроққа ҳам сурилиши мумкин, яъни президент сайлов муддатини ўзгартиришга тайёр.

50 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ТЕНГ

Покистон полицияси мамлакат шимоли-шарқидаги Пешовар шаҳридан жанубдаги Карачи шаҳрига кетаётган киши автомобилидан 30 килога тенг героин топиб, мусодара этди. «Синьҳуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, йўқ қилинган бу «товар» нархи 5 миллион долларга тенг деб баҳоланмоқда. Маҳаллий полициянинг маълумотида қайд этилишича, бу кейинги 15 йилда қўлга олинган энг йирик партиядаги героиндир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотига кўра, гиёҳванд моддалар Покистонга Афғонистон орқали ўтади. Айнан Покистон ва Эрон орқали эса Европага йўл олади. Бу йил гиёҳванд моддалар транзити янада кўпайиши мумкин. Негаки, ўтган йили Афғонистонда 200 минг тонна кўкнори опиуми хомашёси етиштирилган.

Умуман, дунёда етиштирилаётган опиум хомашёсининг 90 фоизга яқини Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Бу хомашёдан эса героин олинади. Героиннинг бир килоси Афғонистон қора бозорида 800 доллар турса, у Россияга етиб боргач, нархи 50 минг долларгача кўтарилади, Ғарбий Европада эса 250-300 минг долларга чиқади.

ИНТИЗОМИГА БОҒЛИҚ

БАЪЗИ ФУҚАРОЛАР ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида 171 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинган ҳамда электр энергиядан фойдаланиб, ҳақини тўламаган фуқаролардан 90 млн. 953,1 минг сўм ихтиёрий равишда ундирилиб, 25 млн. 524,5 минг сўм етказилган зарарни ундириш юзасидан судларга 356 та даъво аризаси киритилди. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

— Тўғрисини айтсак, кўпчилик газ таъминотидан нолишади-ю, лекин газ тармоғига ноқонуний уланиб олган ёки каттакон иссиқхонасини иситиш учун газ ўғирлаётган қўшниси билан иши йўқ. «Газ йўқ» деб дод дейди, лекин қўшнисига «газ ҳақини нега тўламайсан, нега газни ўғирлайсан?» деб танбеҳ бермайди. Ёки ўзи ҳам ёққан гази учун тўловни пайсалга солиб юради. Бу борадаги тўлов интизомини яхшилаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тўғри таъкидлаяпсиз, коммунал хизматлар сифати энг биринчи навбатда тўлов интизомига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, «Сурхондарёгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан ўтган йил давомида 270 та корхона, ташкилот ҳамда 19632 та аҳоли хонадонлари фойдаланилган табиий газ учун ўз вақтида тўловларни амалга оширмаганлиги учун газ тармоғидан узиб қўйилган. Аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар томонидан фойдаланилган табиий газ учун қарздорликни камайтириш мақсадида табиий газдан фойдаланиб, ҳақини тўламаган 20542 хонадон аъзоларидан 865 млн. 238 минг сўм қарз суммаларини тўлаш хусусида огоҳлантириш хатлари берилган.

Шунингдек, тўловни амалга оширмаган 1690 нафар фуқародан 125 млн. 248 минг сўмлик қарзларни ундириш ҳақида судларга аризалар киритилиб, шундан суд қарорлари билан ҳозиргача 7 млн. 474 минг сўми ундириб олинган ва ҳоказо.

Аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг газ тўловлардан қарздорлик аҳволи текширилганда, айрим туман газ таъминот корхонаси масъул ходимларининг масъулиятсизлиги ва ўз вазифаларига лоқайд муносабатда бўлиши натижасида фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ундириш чоралари кўрилмасдан жиддий қонун бузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Буниси майлия, Термиз шаҳар газтаъминот филиалида назоратчи вазифасида ишлаб келаётган Эркин Жумаев эса 2005 йил 17 февраль кунидан 2005 йил 31 декабрь кунига қадар аҳоли истеъмол қилган табиий газ учун 136 минг сўм тўловларни йиғиб олиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганига нима дейсиз?

Ислоҳотлар тўла-тўкис амалга ошиши ҳар бир фуқаронинг қонун-қоидага бўйсуниш маданиятига чамбарчас боғланган. Хусусан, коммунал соҳадаги ислоҳотлар ҳам. Фуқаро тўлов интизомини ўз вақтида амалга оширса, назоратчи жиғилдонини ўйламай, қарорлар ижросини тўла таъминласа, ўйлаймизки, электр, газ, сув ва бошқа таъминотларда ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Суҳбатдош:
Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

АҲОЛИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ

АҚШнинг маориф бўйича давлат агентлигидан олинган манбаларга асосланиб «ABC» телеканали маълумот тарқатишича, мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми, яъни 36 фоизи саводсиз экан. Саводли деганда улар шундай кишиларни тушунишадики, бемалол мутолаа қила олиши, давлатларнинг харитадаги жойлашуви бўйича тушунчага эга бўлиши, ишга қабул қилиш бўйича анкетани мустақил тўлдира олиши керак.

Саводсизлик айниқса, Америка пойтахтида юқори даражада экан — 21 фоиз.

Мамлакат маъмурияти бундай ёқимсиз «манзара»ни четдан, аниқроғи, Лотин Америкаси ва Эфиопиядан муҳожирларнинг «оқиб» келиши ҳисобига намоён бўлаётгани билан изоҳламоқдалар.

Ачинарлиси шуки, даромадни ҳисоблаб, солиқ ҳужжатларини тўлдироладиган саводли ходим етишмаслиги боис йилига 100 миллион доллардан ортиқ маблағ Колумбия округи ғазнасига тушмаяпти.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ю.Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ю.Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрини капитал таъмирлаш»

Қурилишни тугаллаш муддати: 60 кун.

Буюртмачи манзили: ***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 68-уй.***

Телефон/факс: (8372) 226-35-47.

Қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, лицензия талаб этиладиган ишларни бажариш учун лицензияга, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ Спорт



МАҲОРАТ КЎРИГИ

Кейинги йилларда юртимизда спортнинг синхрон сузиш тури жадал ривожланмоқда. Мамлакат чемпионати, Ўзбекистон кубоги баҳслари мунтазам ўтказилаётир. Айниқса, пойтахтимизнинг саккиз йилдан бери анъанавий «Сув париси» халқаро турнирига мезбонлик қилиб келаётгани қизларимиз ўртасида мазкур спорт турининг янада оммалашишига туртки бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда 1300 нафарга яқин қиз синхрон сузиш билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг асосий қисмини қишлоқ ва туманларда истиқомат қилувчилар ташкил этаётганлиги қувонарлидир. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» сув спорти саройида ўтказилган навбатдаги мамлакат чемпионати баҳсларида эса ана шулар орасидан сараланган 75 нафар синхрон сузиш усталари ғолиблик учун баҳс юритдилар.

— Ҳозирда вилоятимизда бир юз йигирмадан ортиқ қиз шу спорт тури билан шуғулланмоқда, — дейди Жиззах вилоят синхрон сузиш федерацияси бош котиби Анвар Нормуродов. — Айни пайтда Пахтакор туманида синхрон сузишга ихтисослашган янги спорт иншооти барпо этилаётир. Бу эса келгусида вилоятимизда қўплаб иқтидорли спортчилар улғайишига замин яратиши шубҳасиз.

Мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар терма жамоалари фаол иштирок этишди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи, Сирдарё ва Андижон вилоятлари қизлари кейинги фахрли ўринларни эгалладилар.

Суратларда: *мусобақадан лавҳа; Сирдарё вилояти синхрон сузиш усталари.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

❖ Бугун — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

САМИМИЙ СЎЗ ҚАДРИ



Бундан 80 йил муқаддам ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида Абдулла Қодирий қаламига мансуб бир публицистик мақола эълон қилинган. У «Равот қашқирлари» овозсиз фильмига тақриз бўлиб, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Одатда газеталарда чоп этилган мақолаларнинг аксарияти ўз вазифасини бажаради-ю, маълум бир давр ўтгач, унинг қадр-қиммати йўқолади. Абдулла Қодирийнинг кичик, лекин залворли бу асари ҳисҳаяжон, эҳтирос ила битилгани, ҳазил-мутойибага бой бўлганлиги учун ҳозир ҳам адабий қийматга эга.

Бир пайтлар мазкур асар яратилиш жараёнини ўрганиш мақсадида Қодирий боғига ташриф буюрган, фарзандлари Ҳабибулла Қодирий, Маъсуд, Адиба опалар билан учрашиб суҳбатлашган эдик. Шу билан бирга архив ҳужжатларини ўргангандик. Мақолада қаламга олинган шахсларнинг фаолияти билан яқиндан танишдик.

Маълум бўлишича, адиб ўзбек киносининг илк намуналаридан бўлган «Равот қашқирлари» овозсиз фильмини 1927 йилнинг март ойида кўрган. Тақризи эса 28 апрелда газетада эълон қилинган.

Қодирий бу асарида мазкур фильмни таҳлил қилиб, ўз тавсияларини самимият билан билдирган. Уни ўқиган сценарийнавис ёки режиссёр катта сабоқ олади. Мазкур тақризда муаллиф кинони таҳлил қилиб бериш билан чекланиб қолмай, балки халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзини мукаммал биладиган, маданиятимизга чексиз меҳр қўйган, кинонинг ўзига хос хусусиятларидан воқиф бўлган билимдон санъаткор сифатида ўз мулоҳазаларини баён этади.

Шу билан бирга эндигина қанот ёзаётган миллий кинонинг дастлабки маҳсулотига тош отганларга фильмнинг ижобий хислатлари орқали киноя билан жавоб беради.

Абдулла Қодирий фақатгина мақтов сўзлардан фойдаланмайди, «Содиқда талант мўл кўринди», «Ўзбек артистларимиз ўзларига яхши умид боғлатдилар» каби ибораларр билан экрандаги тасвирдан, ижродан завқ олганини таъкидлайди. Сюжет қурилишини бойитиш йўлларини мисолларда кўрсатиб беради. «Ҳақиқатдан узоқ» бўлган саҳналар ўрнини эгаллаши мумкин бўлган эпизодларга тўхталади.

«Таассуф эмас, тақдирким ўзбекнинг биринчи кино ўйинидан рози, қаноатланган ҳолда қайтдим» дея қайд этади муаллиф ўз мақоласида. Шу ўринда публицистик асарнинг ёзилиш услуби ҳам худди кинони, бақувват сценарийни эслатишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биргина мисол, «Каромат қўлидан кетди. Абдунаби бойдан ўч олиш керак! Отига минди, қамчи берди, от шаталоқ отди, кетди...» Бу жумлаларнинг ҳар бири қандай кадрларда, қандай йиирикликда, қай маромда намоён бўла боришини ҳозир ҳар бир кино мухлиси осонгина тасаввур этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, «Равот қашқирлари» фильмига бағишланган бу публицистик мақола Абдулла Қодирий ўтган асрнинг бошларидаёқ кинони санъат сифатида тан олганини, бинобарин, унинг муайян асарни таҳлил қилишда «ёш», «тажрибасиз» каби тушунчаларга эмас, юксак бадиийлик, ҳаққонийлик мезонларига амал қилганини тасдиқлаб туради. Ваҳоланки, ўша даврда катта адабиёт, профессионал театр, мусиқа маданияти, тасвирий санъат вакилларининг аксарияти кинони мустақил санъат сифатида тан олмаган эдилар.

«Кино циркнинг бир қисми, унда техника устун туради, у фақат ахборот бериш қобилиятига эга» каби мулоҳазалар ҳам айтилаётган бир пайтда адибнинг мамлакатимизда яратилган дастлабки овозсиз, оқ-қора кинотасмани бадиий ижод маҳсули сифатида қабул қилгани ва уни ўткир мутахассис, адолатли мунаққид сифатида таҳлил этгани ва холис баҳолагани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ҳамидулла АКБАРОВ

ТЎРТИНЧИ ТУРДАН СЎНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоалари тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Учрашувларда бир қатор қутилмаган натижалар қайд этилди.

Жумладан, дастлабки уч учрашувни ғалаба билан якунлаган олий лига дебютанти «Қурувчи» жамоасининг навбатдаги ўйинда мағлубиятга учрашини кўпчилик кутмаганди. Мазкур турда «Қурувчи» ўз майдонида «Трактор» футболчиларини қабул қилди. Ўйиннинг 15-дақиқасида Сергей Лушаннинг майдондан четлатилгани мезбонларни қийин аҳволга солиб қўйди. Майдонда бир ўйинчи кўп ҳаракат қилган тракторсозлар эса бундан унумли фойдаландилар. 49-дақиқада Азиз Тўхтабоев томонидан киритилган ягона тўп «Трактор» футболчиларига навбатдаги ғалабани тухфа қилди.

Шунингдек, Ғузорда «Шўртан» жамоаси «Навбаҳор-Н» футболчиларига имкониятни бой берган (1:2) бўлса, Бухорода Самарқанд динамочилари мезбонлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 0:2.

Пойтахт вилоятининг «Металлург» жамоаси эса тўртинчи турдирки, рақибларига очко ўлашишда давом этмоқда. Бекободликлар Қаршида ўтган сўнгги ўйинда «Насаф»га 3:1 ҳисобида ютқазишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Вобкент» — 4:0, «Пахтакор» — «Қизилқум-Олтин» — 4:1, «Тўпаланг» — «Машъал» — 0:1, «Андижон-ЎзДЭУавто» — «Локомотив» — 1:0.

Тўртинчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	**4**	**4**	**0**	**0**	**9-3**	**12**
2. «Пахтакор»	**4**	**3**	**1**	**0**	**11-2**	**10**
3. «Машъал»	**4**	**3**	**1**	**0**	**4-1**	**10**
4. «Насаф»	4	3	0	1	11-4	9
5. Андижон-ЎзДЭУавто»	4	3	0	1	6-1	9
6. «Қурувчи	4	3	0	1	5-2	9
7. «Қизилқум-Олтин»	4	3	0	1	8-7	9
8. «Самарқанд-Д»	4	2	0	2	8-8	6
9. «Трактор»	4	2	0	2	4-5	6
10. «Шўртан»	4	1	0	3	6-7	3
11. «Тўпаланг»	4	1	0	3	3-4	3
12. «Бухоро»	4	1	0	3	4-7	3
13. «Навбаҳор-Н»	4	1	0	3	5-7	3
14. «Локомотив»	4	1	0	3	2-6	3
15. «Металлург»	**4**	**0**	**0**	**4**	**1-10**	**0**
16. «Вобкент»	**4**	**0**	**0**	**4**	**1-13**	**0**

❖ Истиқлол неъматлари

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ФОРУМИ

Мустақилликдан сўнг — озод юртда ўғил-қизларимиз учун барча имконият эшиклари очилди. Улар миллатнинг уйғоқ нигоҳи бўлиб майдонга чиқишмоқда, халқимиз довруғи, шаъни-шавкатини дунёга ёядиган қудратли авлод униб ўсмоқда. Истиқлол истиқбол булоқларининг қўзини очди.

Спорт дейсизми, санъат ёки илм-фан чўққилари, бугунги ёшлар уларни дадил ва шиддат билан забт этмоқда.

Юртимиз шарафини улуғлаётган истеъдодли ёшларимиз тобора кўпайиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари, академик-лицейларимизда сабоқ олаётган фарзандларимизнинг ҳам шуҳрати дунё бўйлаб ёйилаётганидан фахрланамиз.

Куни кеча Наманган шаҳридаги ёшлар спорт мажмуасида ана шундай иқтидорли ўқувчиларнинг санъат форуми бўлиб ўтди. Ўқувчиларнинг ўз қўллари билан яратган санъат асарлари кўргазмаси нафақат вилоят аҳли, балки бу ерга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Сўнгра мажмуа саҳнасида спорт соҳасида республика ва халқаро мусобақаларда ҳамда фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлди. Юртимизнинг салоҳиятли фарзандлари шарафига вилоят ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Эътиборли жиҳати, тантанада фарзандларимиз фольклор, замонавий ҳамда турли миллат вакилларининг қўй-қўшиқларини маромига етказиб қуйлашди.

Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов сўзга чиқди ва иқтидорли ўқувчилар — истиқлол фарзандларини бугунги ютуқлари билан қутлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 11,15,18,22,25,29 май ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июнь кунлари

танлов савдоларини ўтказади

Танлов савдосига ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 47-уйда жойлашган, умумий майдони 3944,2 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлар 501 127 600 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Танлов шартлари:

1. Энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

2. Энг юқори миқдордаги қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.

3. Сотиб олиш қийматини тўлаш ва қўшимча сармояни киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

4. Сотиб олиш қиймати ва қўшимча сармоя киритиш мажбурияти бажарилишини ўз молиявий маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини таъминлаш.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (бизнес-режани) тақдим қиладилар.

Танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А»уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

Гувоҳнома №000815

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

Акционерная компания «Ўзқурилишматериаллари»

ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР)

На поставку оборудования и материалов для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1. Тиристорный преобразователь частоты типа для частного регулирования привода 301 дымососа, ТПЧ-10/3200 в количестве 1 комплект.	**Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»**
ЛОТ 2. Огнеупорный кирпич марки SLIIIV в количестве 1200 тонн	**Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»**

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта).

Поставляемые материалы должны соответствовать мировым аналогам.

Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратится с запросом к организатору торга — Акционерной компании «Ўзқурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов.

Источник финансирование за счет собственных средств предприятий заказчиков.

Платежные реквизиты:
АК «Ўзқурилишматериаллари»
Адрес: г. Ташкент, Миракилова 68а
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: UJSIUZ22, UZPROMSTROYBANK
TASHKENT, UZBEKISTAN
CHIPS UID: 353886
TELEX: 116342TRONUZ
Валютный счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Миракилова 68а. АК «Ўзқурилишматериаллари» тел: 54-48-39, 152-60-28, факс: 55-77-07, 152-60-28

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

❖ Интер спорт

«ДЭВИС КУБОГИ» ЯРИМ ФИНАЛИДА

«Дэвис кубоги» мусобақалари қизғин паллага кирди. Россия терма жамоаси ярим финалига чиқди. Бундай муваффақиятга эришишда таниқли теннисчи Марат Сафин астойдил ғайрат кўрсатди. У франциялик Поля-Анри Матье билан учрашувни 7:6 (7:3), 6:3, 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. «Учрашув олдидан кайфиятим аъло эди, — дейди М.Сафин. — Қандай бўлмасин ғалаба қилиш ҳақида ўйлардим. Ҳаммаси жойида бўлди».

Шундай қилиб, россиялик теннисчилар сентябрь ойида Москвада ўтказиладиган ярим финалда Германия терма жамоасини қабул қилади, иккинчи ярим финалда Швеция ва АҚШ теннисчилари учрашадилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши депутати, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Акмал Назаровга отаси **АНВАРҲОЖИ ота**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

f — 349
11574 nusxada bosildi
f — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.50
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda